

Хушхабар: «Мударрис» академияси илк фаолиятини бошлади



23:03 / 30.12.2021 5749

Ортада қолаётган 2021 йил ҳаётимизда кўплаб янгиликлар ва воқеаларга бой бўлди десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими, пандемия сабаб тўхтаб қолган ўқув машғулоти давом эта бошлади, юртимиздаги боғчалар, мактаблар, лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртлари ўз фаолиятини аллақачон бошлаб юборган. Шунингдек, янги таълим даргоҳлари ҳам иш бошлади. Йил якунига етмасдан Аллоҳнинг иродаси билан яна бир янги ўқув даргоҳи куни кеча илк фаолиятини йўлга қўйди.

Кеча, 2021 йил 29 декабрь куни «Мударрис» академиясининг илк очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбирга Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори, Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудири, воиз, Қуръон ходими, устоз шайх

Алижон қори Файзуллоҳ Маҳдум ўғли, шунингдек, ёшлари улуғ устозлар ва домлалар, халқимиз учун севимли бўлиб қолган Қуръон ҳофизлари ва илмга ҳарис бўлган азизлар ташриф буюришди.

Тадбирнинг очилиш маросимида устоз шайх Алижон қори ўзларининг ибратли мавъизалари билан анжуманда йиғилган азизларни қалбларини ва руҳиятларини шод этдилар. Жумладан, «Бугун ривожланган давлатларнинг барчаси таълим, илм билан юксалдилар ва ҳозирги кунда намуна бўлмоқдалар», дейди шайх Алижон қори.

Тадбир давомида Қуръони Карим тиловати ўқилди, сўнгра анжуман якунида устозларимиз томонидан дуолар қилинди.

Илк фаолиятини бошлаган **«Мударрис» академияси** қуйидаги йўналишларда ўқувчиларни қабул қилади:

Мактаб ёшигача бўлган болажонлар учун:

- «Жажжи академик» гуруҳлари;
- Мактабга тайёрлаш гуруҳлари.

Мактаб ўқувчилари ва катталар учун:

- Араб тили фонетикаси;
- Араб тили грамматикаси;
- Инглиз тилидан IELTSга тайёрлаш.

Аллоҳ таоло ушбу илм даргоҳини халқимизга муборак айласин, бу каби улуғ даргоҳларни бардавомли қилсин!

Хуршид Маъруф тайёрлади